

**БУЮРТМАЧИ:**

**Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими стекло шарик (ойна кукунни) махсулотлари сотиб олиш буйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**АСОС :** Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 7-Боб 56-моддасига асосан ишлаб чиқилди.

2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 56 моддаси

**56-модда. Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари**

Энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорни ташкил этади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) киритилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	сони	уртача нархи	сумма
1	<b><u>стекло шарик (ойна кукунни)</u></b>	кг	1000	23 000	23 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>23 000 000</b>

**Юқорида курсатилган махсулотлар ККС ва етказиб бериш билан биргаликда ҳисобланди**

**1.2. Танлов охириги қиймати – 23 000 000,0**

(йигирма уч миллион) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**2.1 Диккат:** Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**2.2** Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда (xarid.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**2.3** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек тилида такдим этилиши мумкин.

### 2.4 Тижорат таклифларини такдим этиш шартлари:

- 1 Корхона тугрисида тулик маълумот Гувоҳнома, устав, Корхона рахбарининг фукоролик паспортидан ва буйруқдан нусха (Богланиш учун тел юки электрон почта)
- 2 Инсофсиз ижрочилар ягона рейтирига мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот.
- 3 Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ рахбари номига ёзилган ариза
- 4 Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома.
- 5 Банкдан қортотека юклиги тугрисида ва ҳисоб рақамдаги қолдиқ сумма маълумот
- 6 Кафолот хати (маҳсулотларни уз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш тугрисида)

**2.5** Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда, номерланган, вақолатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда пдф курунишида такдим этилишлари лозим.

## 3. Томонларнинг жавобгарлиги

**3.1.** Давлат харидлари тугрисидаги қонун тапабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

**3.2.** Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

**3.3.** Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 4. Танлов иштирокчиси:

**4.1.** Фақат битта таклиф бериш мумкин:

**4.2.** Такдим этилаётган хужжатларининг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади;

**4.3** Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш х,уқуқига эга.

**Маҳсулотни қабул қилиш манзили:** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар А.Навоий куча №42 уй

**Тулов тартиби:** Буюртмачи шартнома шаклангандан сунг шартномани умумий суммасидан 30 % (аванс тулови) олдиндан тулов амалга оширади қолган 70% суммани маҳсулотларни қабул қилиб олгандан сунг туловни аъмалга оширади.

**Шартнома 2022 йил октябр ойида тузилади шартнома, шартларини бажариш 2022 йил 31- декабрғача амал қилади**

Маълумот учун тел; +998(55) -403-70-77

**Сифатиз булган стекло шарик (ойна қуқуни) маҳсулотлари қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади**